Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 4 (2024) · “Milliy iqtisodiyotni barqaror rivojlantirish va yuqori iqtisodiy o‘sish sur’atlarini t... DOI: 10.5281/zenodo.24321253

ta’minlashning ustivor yo‘nalishlari’’ mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

Ta'lim tizimini zamonaviylashtirish, investitsion muhitni yaxshilash va jamoatchilikni jalb qilish orqali O‘zbekistonda fan va innovatsiyalarni integratsiyalashuvini yangi bosqichga olib chiqish mumkin.

АДАБИЁТЛАР

1. Sa’dullaev, I. (2020). Innovatsion rivojlanish va uni daromad manbalari. Toshkent, O‘zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi.

2. Toshpulatov, A. (2018). Fan va innovatsiyalar integratsiyasi: milliy iqtisodiyotdagi o‘rni. Iqtisodiyot va monitoring jurnali, 4(2), 55-62.

3. Maslov, A. (2019). Ilmiy inavrativ va uning ijtimoiy-iqtisodiy samaralari. Jurnal "Intellektualnaya sobstvennost", 3, 45-50.

4. Mirzaev, B. (2022). Fan va tadqiqotlar integratsiyasi: O‘zbekiston tajribasi. Innovator jurnali, 1(1), 22-30.

5. Задорин, В. М. (2018). Инновационные технологии и их внедрение в структуру производственной деятельности. Журнал "Инновации и экономика", 2, 20-28.

6. Платицын, А. П. (2020). Современные тенденции интеграции науки и бизнеса. Вестник высшей школы экономики, 3(4), 102-111.

7. Ёрматов И. Сифатли кадрлар тайёрлашдаги айрим муаммолар //Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 83-86.

8. Yormatov I. T. Вопросы качественной подготовки кадров //Nazariy va amaliy tadqiqotlar xalqaro jurnali. – 2022. – Т. 2. – №. 12. – С. 39-43.

9. Қамбаров, Ж, Ёрматов, И. (2022). Таълим сифатини оширишда автоматлаштирилган ва мониторинг тизими имкониятларидан фойдаланиш. Назарий ва амалий тадқиқиотлар халқаро журнали, 2(1), 41-50.

10. Ерматов И. Т. (2021). Олий таълим сифатини оширишга қаратилган маъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларни таълимда илғор педагогик технологияларни қўллашнинг айрим масалалари.“. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 227-229.

ҚИШЛОК ХЎЖАЛИГИДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ ЕЧИШДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИНГ АХАМИЯТИ

Сауханов Жанибек Казиевич
Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Мырзатаева Гулмира Муратбаевна.
Экономика мутахассислиги 1-курс магистранти
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети
gulmiramirzataeva90@gmail.com

Аннотация. Мазкур тезисда илмий тадқиқотлар натижаларини тахлил қилган холда қишлок хўжалигида келажакда кутилиши мумкин бўлган озиқ-овқат муаммосини хал қилишда, жумладан, камрок ресурслардан фойдаланиш орқали махсулотлар ҳажмини кўпайтириш ҳамда шу каби муаммоларга ечим топишда АКТ тизимидан фойдаланиш имкониятлари хақида маълумот келтирилади.

Калит сўзлар: озиқ-овқат муаммоси, махсулот хажми, АКТ тизими, тадқиқот.

Published: 23.12.2024

Cite this article: Сауханов Жанибек Казиевич, Мырзатаева Гулмира Муратбаевна (2024). Қишлок хўжалигида оптималлаштириш масалаларини ечишда ахборот тизимларининг ахамияти. Emro Science and Education, 1(4). https://doi.org/10.5281/zenodo.24321253

© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

Дозарблиги. Илмий адабиётлар маълумотларида дунё аҳолисини муттасил ўсиб бориши уни боқиш учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини ҳам шунга мутаносиб равишда оширишни тақозо қилмоқда. Жумладан, 2050 йилга келиб, дунё аҳолисини боқиш учун қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулот миқдорини 60 фоизга ошириш талаб қилиниши айтилмоқда[1]. Келгусида кутилаётган бу каби глобал муаммоларга ечим топишда АКТ ларидан фойдаланган ҳолда мавжуд имкониятларни кенгайтириш ягона йўналиш эканлиги ва ушбу усулдан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалигида камроқ ресурслардан фойдаланиб кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларини аниқлаш, келтириб ўтилган муаммони ечишга хизмат қилиши таъкидланмоқда.

Максади. Қишлоқ хўжалигини оптималлаштиришга оид тадқиқотлари натижаларини ўрганиш.

Тадкикод объекти ва усуллари. Қишлоқ хўжалиги субъектлари билан ўтказилган тахлилий ва аналитик хулосаларни умумлаштириш ва суровнома-тахлил усули.

Натижалар ва хулосалар. Олимларнинг илмий тадқиқотларида агросаноат комплексига ахборот технологияларни жорий қилиш, моделлаштириш ва оптималлаштириш дастурий таъминот платформасини яратиш масалалари кенг ёритилганлиги эътиборга лойиқ.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан С.С.Гулямов, Т.Ш.Шодиев, И.С.Абдуллаев, Ё.А.Абдуллаев, Б.А.Бегалов, Т.Д.Досчанов, Б.Р.Рузметов, С.К.Салаев, Т.С.Қўчқоров, А.Т.Кенжабаев ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, соҳада маҳсулот етиштириш жараёнларини моделлаштириш, қишлоқ хўжалигида оптимал ечимларни таъминлашда ахборот технологияларидан фойдаланиш, истиқболдаги кўрсаткичларини эконометрик моделлар асосида прогнозлашнинг назарий-услубий ҳамда илмий-амалий муаммолари атрофлича тадқиқ этилган.

Қишлоқ хўжалигида оптималлаштириш масалаларини ечишда чизиқли дастурлаш масалаларидан кенг қўлланилиб келинмоқда аммо, асосий ишлаб чиқарувчилар ҳисобланган фермер хўжаликлари доирасида бу усулдан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмаганлиги келтирилган. Илмий тадқиқотлар асосан тадқиқот институтларида маълум ҳудуд, минтақа, мамлакат ёки субъект доирасидаги тадқиқот объектлари фаолиятига қўллаш билан чегараланмоқда.

Амалиётда фермер хўжаликлари қарор қабул қилишда кўп йиллар мобайнида эгаллаган тажрибалари, ички ҳислари, қўшни ва рақобатчи фермерларнинг ҳаракатларини кузатишади ва уларга таянишади. Фермер хўжаликларини бошқариш бўйича мутахассислар томонидан бюджетни шакллантириш ва ундан фойдаланиш, қиёсий таҳлилни амалга оширишнинг расмий услублари ишлаб чиқилган бўлиб, улар мураккаблик даражаси аҳамиятли бўлмаган вазиятларда қарор қабул қилиш ҳамда бошқа барча хўжаликлар қарорлари таклиф қилинганидек қабул қилинганида танланган қарорларни таҳлил қилишда анча самарали ва фойдали усуллардан ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари мақсадлари ҳамда уларнинг имкониятлари даражасида ресурслар бўйича чекловларни ўзида акс эттирган оптималлаштириш моделлари, кўпчилик ҳолатларда хўжалик фаолиятини режалаштириш ҳамда уларнинг айнан қандай маҳсулотлар етиштириши кераклиги тўғрисидаги саволларга жавоб олишида самарали усул сифатида қўлланилиб келинмоқда. Бунда ижобий ҳолатларнинг таъминланиши фермерларнинг иқтисодий ва технологик муҳитга мослашиб улгурган стационар вазиятларга тўғри келади. Фермер хўжалиги фаолиятини

режалаштиришда фойдаланиладиган бу каби моделларнинг тахминлаш имкониятлари, уларни қишлоқ хўжалиги тармоғидаги умумий сиёсатни таҳлил қилиш учун мўлжалланган моделларга киритишнинг мақсадга мувофиқлигини таъминлайди. Кейинги даврда компютер технологияларининг ривожланиши ва математик дастурлаш бўйича махсус дастурларнинг ишлаб чиқилиши мураккаб жараёнларда бутун фермер хўжалиги фаолиятини режалаштириш учун анча самарали бўлган усулларни вужудга келиши ва уларни амалиётда фойдаланишга сабаб бўлди. Тадбик этиладиган оддий усуллар фермер хўжалигининг маълум бир фаолият йўналишини тадқиқ қилишни таъминласа, яратилаётган янги усуллар хўжаликни бутун бир тизим сифатида қараган ҳолда ижобий натижаларга йуналтиради. Қишлоқ хўжалиги фаолиятини бутун бир тизим сифатида таҳлил қилиш ва режалаштириш фермер хўжалигини иқтисодий ва технологик муҳитларга самарадорликни таъминлаган ҳолда мослашишига ёрдам беради.

https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview

Gulyamov S.S., Abdullaev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranishlarni prognozlashtirish. /B.To‘rayevning umumiy tahriri ostida. – T.: «Fan va texnologiya», 2016, 284 bet; Шодиев Т.Ш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сауханов Ж.К. Қишлоқ хўжалигида ташқи самара (экстерналий)лар таъсирин оптимал тарзда тартибга солиш. Монография. «Фан» нашриёти. Тошкент, 2013 й. 144 бет.

2. Сауханов Ж.К. Экологик вазият мураккаб худуд қишлоқ хўжалигида ташқи самаралар ва трансакцион ҳаражатларни оптимал тартиблаштириш механизмлари. Монография. «Lesson Press» нашриёти, 2022 й. – 264 б.

3. Мырзатаев С.М. Иқт. Фан.фал .док. (PhD) дис. Автореферат. – Ургенч.: 2021 – б172.

4. https://www.worldbank.org/en/topic/agriculture/overview

5. Gulyamov S.S., Abdullaev A.M., Olimjonov A.U. Vaqtli qatorlarning statistik tahlili va mavsumiy tebranishlarni prognozlashtirish. /B.To‘rayevning umumiy tahriri ostida. –T.: «Fan va texnologiya», 2016, 284 bet; Шодиев Т.Ш.

MODERNIZATION AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE ECONOMY OF UZBEKISTAN: THE ROLE OF SCIENCE, PEDAGOGY, EDUCATION, AND INNOVATION

Khasanova Sitora O‘ktam qizi
Assistant-teacher of the Department of Teaching Languages
To‘ychiyeva Sevinch O‘lmasbek qizi
student of economics fakulty at Samarkand institute of economics and service, Uzbekistan

Annotation: This article explores the crucial role of science, pedagogy, education, and innovation in the modernization and sustainable development of the economy of Uzbekistan. By analyzing the synergies between these key aspects, the study delves into